

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ КАФЕДРАСИ

Б.Шамахмудова, Г.Авхадиева

Консерватория талабалари учун

Хор партитураларни ўқиш

Фанидан маърузалар матни

Мундарижа

Кириш.

I-чи бўлим. Хор партитура ҳақида умумий тушунча. Хор партитураларни кўриниши.

1.1 Фортепианода хор партитураларни ўқиш (умумий кузатувлар)

II-чи бўлим. Фортепианода жўрсиз (а cappella) хор партитураларни ижро этиш.

2.1 Фортепианода жўрсиз хор партитураларни чалиш

2.2 Жўрсиз хор партитураларни чалиб овозларни куйлаш

III-чи бўлим. Жўрли хор партитураларни ижро этиш

3.1 Фортепианода жўрли хор партитураларни чалиш

3.2 Жўрли хор партитураларни чалиб овозларни куйлаш

IV-чи бўлим. Полифоник хор партитураларни ижро этиш

V-чи бўлим. Қийин бўлмаган жўрсиз хор партитураларни транспозиция қилиш

VI-чи бўлим. *До* калитлардаги асарларни ўрганиш

VII-чи бўлим. Асарни таҳлил қилиш

VIII-чи бўлим. Хор партитураларни варақдан ўқиш

Талабаларни мустақил иши бўйича тавсиялар

Тестлар

Глоссарий

Курс бўйича намунавий репертуар рўйхати

Адабиётлар рўйхати

Нота иловалари

Кириш

Мазкур “Хор партитураларни ўқиш” ўқув қўлланма “Академик хор дирижёрлиги” ихтисослиги бўйича консерватория бакалаврият таълим йўналишининг талабалари учун мўлжалланган. Хор партитура ўқиш курси талабаларни касбий тайёрлашда махсус фанлар туркумида асосий фанлардандан ҳисобланади. Курсни асосий вазифаси - бўлажак дирижёр-хормейстер, педагогларни миллий ва чет эл композиторлар асарларини, қайта ишланган халқ кўшиқлар билан кенг доирадаги танишиш жараёнида тарбиялаш ва фортепианода чалиш малакаларини эгаллаш. Шу билан бирга талаба хор билан ишлаш махсус билим ва амалий малакаларга эга бўлади, шунингдек энг яхши хор адабиёти намуналардан репертуар танлаш кўникмаларни шакллантиради.

“Хор партитураларни ўқиш” фаннинг мақсади - талабаларни муסיқий ва умуммаданий дунёқарашини кенгайтириш, касбий шакллантириш, турли жўрсиз ва жўрли хор асарларни ўрганиш, қийин бўлмаган хор партитураларни варақдан ўқиш ва транспозиция қилиш кўникмаларни ривожлантириш, мустақил равишда репертуар танлаш, ўрганиш ва хор асарларни таҳлил қилишга тайёрлаш.

Фан ўтиш жараёнида талаба хор партитураларни тартиб билан ўрганишликни эгаллаши лозим, қайсики асарларни ғоявий ва бадиий мазмунини ёритиб беришга ёрдам беради, хор билан ишлаш махсус билимлар ва амалий малакаларни эгаллашда ва хор репертуар билимини бойитишда ёрдам беради.

Фаннинг вазифаси – талабалар маълум бир билим-кўникмалар ҳажмига ега бўлиш, турли хил жўрсиз (a cappella) ва фортепиано жўрлигида гомофон-гармоник ва полифоникхор партитураларни ўрганиш ва овозларни куйлаш малакаласини ривожлантириш; нотаниш хор партитураларни варақдан ўқиш; транспозиция кўникмаларни ўрганиш; хор асарларни таҳлил қилиш малакаларини эгаллаш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- фортепианода турли услуб ва жанрдаги жўрсиз (a cappella) ва жўрли хор партитураларни ижро этиш;
- хор партитурадаги ҳар бир овозини соф интонацияли қуйлаш, қолган овозлар чалинаётган бир вақтни ўзида;
- хор партитураларни саводли варақдан ўқиш;
- қийин бўлмаган жўрсиз ва жўрли хор асарларни топширилган тоналлигига транспозиция қилиш;
- *До* калитлардаги хор партитураларни ўқиш;
- a cappella ва жўрли хор асарларни чалганда тўғри аппликатура ва чалаётганда педал билан фойдаланиш;
- хор асарларни таҳлил қилиш билиши ва улардан фойдалана олиши.

Фанни ўзлаштириш натижасида талаба фортепианода хор партитураларни ижро этиш учун, хор ёзуви асослари ва хор асарлар ўқилиши бўйича керакли бўлган назарий билимларга эга бўлиши лозим.

Ушбу фанни бошқа касбий тайёрлаш туркумидаги - сольфеджио, жаҳон мусиқа тарихи, мусиқа назарияси, гармония, полифония, фортепиано, хор аранжировка, хор синфи, хоршунослик ва хор адабиёти фанлари билан табиийки ўзвий боғланишлиги рўй беради. Шунинг учун партитура устида ишлаганда мусиқий-назарий ва махсус фанлар туркумдаги олган билимлардан ва бошқа ўқув режадаги фанлардан фаол фойдаланиш зарур.

Мазкур ўқув фанни эффектив ўзлаштиришда энг асосий шартларидан – мунтазам равишда мустақил машғулотлар билан шуғулланиш зарурлигини кўрсатиб бериш лозим.

Ўқитиш шакли – педагог раҳбарлигида якка машғулотлар ўтказиш ва талабани мунтазам равишдаги мустақил иши. Дарслар ҳафтада бир соатдан ўтказилади. Ҳар бир дарс қуйидаги бўлимлардан иборат:

- ўрганилаётган асарни таҳлили;

- ўрганилаётган асарни фортепианода ижро этиш ва хор овозларни куйлаш;
- транспортлаш;
- варақдан ўқиш.

Ҳар бир семестр давомида талабалар 7-8 асарларни ўзлаштиришади.

Ўқув репертуари ғарбийевропа ва рус классиклар, Ўзбекистон ва Марказий Осиё композиторлар хор асарлари, шунингдек қайта ишланган халқ кўшиқлардан иборат бўлиши лозим. Ўқитувчи репертуар танлашда оддийдан мураккабгача бўлган принцинга риоя қилиши зарур.

Ҳар бир талабага ўқитувчи якка тартибдаги иш режасини тузганда, фан дастури талабларига мувофиқ репертуар танлайди, шунингдек талабани фортепиано эгаллаш малака даражаси ва иқтидорини ҳисобга олади.

Даставвалдан машғулотлар ўтказишда, ўқитувчи томонидан ҳар бир талабага эътиборлик билан қарашлик ва хор партитуралар ўқиш кўникмаларини эгаллаш, шу олган билимларни амалиётда қўллашлик назорати талаб қилинади.

I-чи бўлим. Хор партитура ҳақида умумий тушунча. Хор партитураларни кўриниши.

Партитура сўзи (итал. *partitura* – бўламан, тақсимлайман) - кўп овозли муסיкий асарининг тўлиқ нота ёзуви. Унда алоҳида овозлар, барча чолғу асбоблар партиялари бир бутун бирлаштирилади. Партитура ёзувини пайдо бўлиши XV-XVI асрларда кўп овозли маданияти ривожланиб бориши сабабли, қачонки кўп овозли хор асарларида вокал партияларини оҳанглари мустақил бора бошлаган. Тарихий жиҳатдан вокал муסיқасида пайдо бўлиб, кейинчалик турли ансамбл ва оркестр таркиблар учун муסיкий асарларига кенг тарқалган.

Вокал партиялари маълум тартибдаги ҳар бири алоҳида нота чизикларда жойлашган ёзув йиғиндиси *хор партитура* дейилади. Овоз партиялари бир-

бирининг остида, параллель равишда ўрнашади. Бир вақтнинг ўзида ижро этиладиган овоз партияларининг товушларига мос келадиган ноталар эса, бир неча нота қаторида вертикал кўринишида ёзилади. Бу ёзув ҳар бир овозни ҳаракатини аниқ кўришни, шунингдек ҳамма партияларнинг бир вақтнинг ўзидаги бирикмасини кўришга ҳам имкон беради.

Вақт ўтиб, хор партитуралардаги овозларнинг тартиб жойлашуви ҳам баландлик принципига кўра ўрнатилди: юқоридан пастга – баланд овозлардан пастларга. Юқорида аёллар овозлари ёзилади, пастда –эркаклар овозлари.


Асар муаллифи мақсадига кўра, хор партитура турли таркибли хор учун ёзилиши мумкин. Партитура ёзувида хор овозларни турли вариантлар бирикмаси аниқ белгилашни талаб қилади, яъни хатосиз аниқлаш учун асар қайси таркиб учун мулжалланганлиги. Шунинг учун нота йўллари чап томонида (баъзида тепада ҳам), хор партияларни номлари жойлашган.

Тўлиқ номи		Қисқартирилган	
Сопрано	Soprano(ni)	С	S
Альт	Alto(ti)	А	A
Тенор	Tenore(ri)	Т	T
Бас	Basso(si)	Б	B

Хор асарни ҳамма овозларини ёзиш учун керакли бўлган ҳар бир навбатдаги нота чизиқларни қатори, партитурани қаторлар тизими дейилади. У умумий такт чизиқлар билан бирлаштирилади, ва яна махсус қавс – акколада (франц.- *accolade* – қучоқ, қавс). Акколада, нота бетидаги у ёки бу нота қаторлар


сонини ўзаро ажратиб, мазкур қаторда ёзилган барчасини ўзаро боғланган ҳолда ва бир вақтнинг ўзида ижро этилишини кўрсатади. Хор партитуранинг чап томонидан бир нечта нота қаторларини бирлаштирувчи, қалинлашган тўғри қавслар қўлланилади. Бу кўп қаторли партитураларни янада тезкор ориентация учун зарур.

Қуйидаги партитурада акколада қўллашнинг турли шакллари кўрсатилган:
Намуна № 1



Фортепиано партияларини ўзаро бирлаштирувчи акколада расми фигурали қавс шаклига эга:

Намуна №2



Яхши баён этилган партитурада ҳар бир овоз партиясининг вазифаси кўрсатилиши билан бирга уларнинг куй ва ритмик ҳаракати, адабий матнини бир вақтнинг ўзида ёки турлича айтилишини кўрсатади.

Замонавий нота ёзувларида овоз партияларини ёзиш учун иккита калит ишлатилади: скрипка - **Соль** калити ва бас – **Фа** калити. Скрипка калитида сопрано, алт ва тенор¹ партиялари, бас калитида эса бас партияси ёзилади,

¹ Скрипка калитида ёзилган тенор партияси бир октава паст эшитилиши сабабли ўқишда транспозиция қилинади.

Намуна № 3 Танеев Серенада

Серенада

Слова А.Фета

С.Танеев

Медленно
p

SOPRANO

ALTO

TENOR

BASS

Ти-хо ве-чер до-го-ра - ет, го - ры зо-ло - тя зной-ный воз-дух хо-ло - да-ет.

икки қаторли аралаш хор учун ёзилган партитураларда тенорлар партияси бас калитида ёзилади.

Намуна № 4

SAYRIBOG'

E.Oxunova so'zi

S.Yo'ldoshev kuyi
N.Sharafiyeva xor uchun qayta ishlagan

Moderato
mp

S
A

T
B

Gul ja - mo - lin kor - ga - zib gul yuz - li yo - rim

La... la... la... la... simile

kel - di - lar, Ko'k - ka bo - shin yet - ka - zib bo -

mf

²Хорлар кўриниш сифатидан бир турдаги, аралаш ва тўлиқсиз аралаш хорлар таркибларга бўлинади. Бир турдаги хорларга: болалар, аёллар ва эркаклар хорлари мансуб. Аралаш хорлар иккита турдош хорлар: болалар ёки аёллар билан эркаклар хори бирлашишдан иборат бўлади. Тўлиқсиз аралаш хорлар бу қайси бир турдош хорни бошқа тақибдаги хор партияси билан бирикмаси.

³Хор асарлар, хор турларига қарамасдан, овозлар сони билан фарқланади. Партитура овозларни сонига қараб, бир овозли, икки-, уч-, тўрт- ва кўп овозли кўринишидаги хор бўлиши мумкин.

Хор асарлар турли тур² ва кўринишли³ хорлар учун ёзилган бўлиши мумкин. Ижрочилар таркиби ва овозлар миқдорига кўра фарқланувчи хор асарлар ўз ёзувлари учун нота қаторларининг турли сонларини талаб қилади. Шунинг учун хор партитурасини ёзуви шундай тизимини акс эттирадики у хор тури ва кўриниши туфайли, шунингдек мусикий асар мураккаблигига кўра ўзгартирилиши мумкин. Партитуранинг маълум тур ва хор кўринишига тайинланиши шубҳасиз унинг ижро имкониятлари, мусиқа мазмуни билан боғланган бўлади.

Икки овозли бир турли болалар, аёллар ва эркаклар хори учун партитура ҳам бир, ҳам икки қаторли ноталарда ёзилади. Бир турдаги болалар ва аёллар хорлари скрипка калитида ёзилади.

Намуна № 5

Травка зеленеет

Слова А.Плещеева

В.Рёбиков

Умеренно

S 1
2
Трав-ка зе - ле - не - ет, сол-ныш-ко бле - стит, лас-точ - ка с вет

A

Бир турли эркаклар хори скрипкали ва бас калитларда ёзилади, тенор хор партиялари скрипка калитида ёзилади, аммо қуйи октавада ижро қилинади.

Намуна № 6

Какая ночь

Ф.Шуберт

Очень медленно

Tenor
Bass

Ка - ка - я ночь! Слад - ко - ю не - гой

Ўзбек қўшиқларидан намуна :

Yoshligim

O'zbek xalq qo'shig'i

B.Umidjonov qayta ishlagan

Moderato

TENOR 1

Yosh - li - gim, yosh - li - gim,

BASS 1

Yosh - li - gim, yosh - li - gim

Кўп овозли бир турдаги ва аралаш хорлардаги хор партиялари, овозлар сони ва фактура мураккаблигига кўра икки, уч ёки тўрт қаторларда баён этилади. Баъзан ҳар бир хор партияси бир нечта мустақил партияларга, “divisi” (итальянча сўз бўлиб, “бўлинган”) деб аталган бўлиниш ҳолларида, кўпроқ нота қаторлар сониди ҳам ёзилиши мумкин.

Аралаш хор учун партитура баёни кўпинча тўрт қаторли кўринишда бўлади, чунки тўртта асосий партияга эга: сопрано, альт, тенор, бас.

Намуна № 7

TARONA

N.Sharafiyeva xor uchun qayta ishlagan

Moderato, legato (o'rtacha tezlikda)

S

Yor,

A

Yor,

T

Yor,

B

Yor,

Партитуранинг мазкур шакли нафақат тўрт овозли балки кўп овозли, divisi ишлатилган хор сарларининг ёзувида ҳам бўлади:

Намуна № 8

ИВА

М.Анцев

Moderato assai (Весьма умеренно)

mf

SOPRANO

ALTO

TENOR

BASS

Что ты кло-нишь над во- да - ми и - ва ма-куш - ку сво - ю

Аралаш хор учун партитура асарлари кам қаторли чизикларда ҳам келтирилиши мумкин. Масалан, икки қаторли кўринишдаги.

Намуна № 9 Сайри боғ

Н.Шарафиева

ff

19

Gul - lar - ni e - tib po - yon - doz yo'l - la - ri - ga

Gul - lar - ni e - tib po - yon - doz yo'l - la - ri - ga

La... la, la. E - hey! La... la, la. E - hey! La, la, la, la, la, la, la, la.

Бундай ҳолатда юқори қаторда аёллар овози гуруҳлари (сопрано, альт), куйида эса эркаклар (тенор, бас) овозлари жойлаштирилади. Юқори овозлар(сопрано ва тенор)ни таёқча(штил)лари юқорига қараб, куйи овозлар(альт ва бас)ни нота таёқчалари эса пастга қараб, овоз баландлигига қарамай ёзилади:

ва уч қаторли баёнда:

16

mf Oq - shom - la - ri - yo uy - qum kel -

mf Ey, no - za - nin Oq - shom - la - ri - yo uy - qum kel -

mf Oq - shom - la - ri - yo uy - qum kel -

Асосий хор партиялари доимий бўлинганда, кўп сонли қаторларда ёзувлар кўрсатилиши баъзан қулай бўлиб чиқади, хор адабиётларларда беш, олти хаттоки саккиз қаторда келтирилган асарлар учрайди. Агар бутун асар мобайнида хор овозларини сони ўзгармай қолганда бундай партитурадаги нота қаторлари ҳам ўзгармайди:

Намуна № 11 Прометей

Прометей

Я.Полонского

С.Танеев

Allegro moderato

SOPRANO

ALTO

Tenor

TENOR

BASS

Брыз - ну - ли в прост-ранст - во мол -

В друг ра - зо - рва - ль ся Но - чи за - на - ве - са,

И про-сну-лись

В друг ра - зо - рва - ль ся но - - чи за - - на -

ни - и зе - ве

И прос

В друг ра - зор - валь - ся но

бо ги

ве - - - - са, брыз - ну - ли

Партиялар бўлиниши турли эпизодларда ўзгарса, бунда партитурадаги нота қаторларини сони ва улардаги партиялар тақсимооти бир асар ичида мос равишда ўзгаради.

Намуна № 12

Метель

Слова И.Бунина

С.Василенко

Andante con moto
p cantabile

SOPRANO
Но - чью по - лях под на -

ALTO
пе - - - - вы

Tenor
Но - чью по - лях под на -

TENOR
пе - - - - вы

BASS
пе - - - - вы

Намуна сифатида, барча бўлинган партиялари бошқа-бошқа қаторларга
ёзилган саккиз овозли хор партитураси, хизмат қилиши мумкин:

Намуна №13

Ночь

Слова А.Плещеева

А.Гречанинов

Andante con moto

Но - - чи на встре - - чу шу ме - - ли, на

Но - - чи на встре - - чу шу ме - - ли, на

Но - - чи на встре - - чу шу ме - - ли, шу -

встре - чу, на встре - - чу шу - ме - - ли шу -

встре - чу, на встре - - чу шу - ме - - ли шу -

но - чи на встре - чу но - - чи, но - чи на встре - чу

ли

ли

но - чи на встре - чу но - - чи,

встре - чу шу - ме - - - ли

встре - чу шу - ме - - - ли

ме - - - ли- - - шу - ме - - - ли - - -

ме - - - ли на встре - чу шу - ме - - - ли

ме - - - ли шу - ме - - - ли

на встре - чу шу - ме - - - ли

на - встре - чу шу - ме - - - ли

шу - ме - - - ли

Хор асар одатда адабий матн билан боғлиқ, аммо шундай матнсиз асарлар борки унда унли товушларни вокал чузилиши (а-, у-, ля-, хо-, ...ва ҳ. к.) ёки юмилган оғизда ўзгача (м-м...каби) тембр ижро усулида куйлашга асосланади. Матн мавжудлиги ноталарнинг гуруҳлаштириш⁴ хусусиятини белгилайди – адабий матнининг бир бўғини нота матнининг бир товушига мос бўлади, барча ноталар уларнинг узунлигидан қатъий назар алоҳида ёзилади:

НАМУНА № 14

Солнце, солнце встает

Слова А.Федорова

В.Калинников

The musical score is for a four-part vocal setting. The Soprano part begins with a forte (*f*) dynamic and a tempo marking of *Moderato*. The Alto, Tenor, and Bass parts also begin with a forte (*f*) dynamic. The lyrics are written under the Alto part. The score consists of four staves, each with a vocal line and a corresponding bass line. The music is in 2/4 time and the key signature has two flats (B-flat major). The lyrics are: Солн - це, солн-це вста-ёт, над го - ро - ю кру-той за-свер-кал, за дро-жал солн-це луч зо-ло-той.

Сўзларнинг бўғинларга бўлиниши дефис ёрдамида амалга оширилади. Бир бўғинга партиядан кетма-кет иккита, уч ёки бир нечта товушлар куйланганда, бўғин ортидан қўшимча дефис ёки узун чизик қўйилади. Шунингдек, бир нечта нота бўғин билан куйланса, ноталар лига билан бирлашади, қисқа чўзимлар эса (саккизталиқ, ўн олтиталиқ ва ҳ.к.), ноталарни гуруҳлаш қоидасига мувофиқ ҳолда умумий чизик билан бирлашади. Лигалар битта бўғинда бир нечта товушларни бирлаштириш кўрсаткичи вазифасини бажаради. Бундай анъана хор ижросида текис овоз юритиш устунлиги билан боғлиқ. Шунингдек моҳиятига кўра лигалар боғловчи⁵ ва жумлавий лигаларга⁶ бўлинади.

Боғловчи лигалар бир баландликдаги ноталарни бирлаштиради ва уларни узлуксиз янграшини белгилайди.

Намуна № 15 боғловчи

Билани

Зелили сўзи

Е.Нечаев

Allegro

SOPRANO
АЛТО
ТЕНОР
БАСС

дом.... О!
дом....
дом, дом, дом, дом, дом, дом, дом, дом, О! дом, дом, дом, дом...
дом, дом, дом, дом, дом, дом, дом,
дом, дом, дом, дом, дом, дом, дом,
О! дом, дом, дом, дом,
дом.
О!
дом, дом, дом, дом...

Хор музикасида жумлавий лигалар фақат ёпиқ овоз билан куйлаш лавҳаларида ишлатилади, сўз билан куйлаганда жумлавий лигалар қўлланилмайди, негаки жумланинг давомийлиги адабий матнини мазмунида аниқ кўрсатилган бўлади.

Намуна № 16 жумлавий

MUSTAHZOD
(O'zbek xalq qo'shig'i)

Chokar she'ri **Moderato** ♩ = 80 - 84 N.Sharafiyeva xor ushun qayta ishlagan

Soprano (S): O... (yumuq og'iz bilan)

Alto (A): O...

Tenor (T): O...

Bass (B): O...

Piano (P): O...

Шеърйй матн партитураларда овоз партиялари ноталарининг устида ёки остида ёзилади. Партитурада бадийй матнини ёзиш асар фактурасига боғлиқ. Агар ҳамма овоз партияларида сўзлари бир хил бўлиб, бир вақтнинг ўзида а хор томонидан ижро этилса, овоз партиялари сонидан қатъи назар, шеърйй матн бирор овоз партияси остида ёзилади. Бошқа партияларда ҳам матн шундай тақсимланиши назарда тутилади.

Овоз партиялари турли хил мустақил ритмик кўринишга эга бўлганда ҳамда турли хил матн қўлланилганда ҳар бир партия учун сўзлар алоҳида ва тўлиқ ёзилади.

Намуна № 17

Восточная песня

Слова А.Колцова

Н.Римский-Корсаков

Andante

TENOR 1: *p* Пле нив-щись ро-зой, со - ло-вей и день и ночь по - ёт над ней,

BASS 1: *p* Пле - - нив щись пле - нив-щись ро - зой со - ло-вей

BASS 2: *p* Пле - нив щись ро - зой и день и ночь

Полифоник асарларда ҳам айрим партияларда ритмик ёзуви ва матн сўзлари алоҳида ёзилиши учрайди

Намуна № 18

Мадригал

Орландо Лассо

Живо и легко

SOPRANO: Как пре-крас-ны дни вес- ны, как пре -

ALTO: - - - - - Как пре крас-ны дни вес- ны,

TENOR: Как пре крас-ны дни вес- ны, Как пре крас-ны дни вес -

BASS: Как пре крас-ны дни вес - ны, Как

3

крас - ны дни вес - ны зла - ты - е сны

Как слад - ки сны

ны, Как слад - ки сны. Все

Как слад - ки сны

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. “Партитура” сўзи нима дегани?
2. Хор партитураси деб нима аталади?
3. Хор асарларида адабий матннинг ёзуви нимадан боғлиқ бўлади?
4. Хор ижросида қўлланиладиган лигалар қандай аталади?
5. Жумлавий лигалар бор бўлган хор асарларни танлаб олиш.

1.1. Фортепианодаги хор партитураларини ўқиш (умумий қайдлар)

Хор партитурасини тўлақонли, ифодавий ижро этиш, хор товушларига максимал яқинлашишга эришиш - хор асарларни фортепианода ижро этишда энг асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Хор партитурасини ўқиш техникаси хор товушларини фортепианога мослаб чалиш заруриятидан келиб чиқган. Фортепианода хор товушларини тўлақонли мазмунини ифода этиш жуда қийин, шунинг учун чалувчи қандай овоз энг муҳим бўлиши ва ўзгармаслигини, қандай овозларни тушуриб чалишни яққол тушуниши керак.

Овозларнинг хусусияти ва уларнинг тўғри ажратиб, штрихлар ва нюансларга риоя қилган ҳолда, хор ижросига максимал даражада яқинлашишга эришиш зарур. Атоқли рус хор санъати арбоби Н.М.Данилин хор партитурасини ўқиш малакасининг аҳамиятини қуйидагича белгилайди: «Дирижёр партитурани қандай чалса унинг бошқарувидаги хор ҳам шундай қуйлайди».

Ўқувчилар билан хор партитуралари устида ишларда умуммусиқий талабларни бажаришдан ташқари, ўзига хос хусусиятларига ҳам эга, фортепианода хор товушларнинг: вокал-хор нафаси ва матни билан боғлиқ цезурларни; бас товушларни таъкидлашлик, овозларни тесситуравий кучланишига нисбатан кўрсата олиш; мусиқий жумлаларни ажратиш, аниқ товуш йўналишини, динамик ва агогик нюанслар хусусиятларини ўрганиш зарур.

Партитура устидаги ишларнинг турли усуллари орасида уни фортепианода ўрганиш муҳим ўринни эгаллайди. Хор партитураларини ўқиш малакасини ўзлаштиришдаги ишлар муваффақияти кўп жиҳатдан фортепианони ўзлаштириш даражасига боғлиқ. Маълумки, фортепианода хор оҳангини тўлиқ равишда хусусиятларни кўрсатиш жуда мушкул. Шунинг учун фортепиано ижросига беихтиёр бўлмаслик керак. Талаба бутун иш жараёнида хор оҳангини аниқ тасаввур қилиб, фортепиано товушларида унга эришиш зарур.

Фортепианода хор партитурасини ижро қилиш ўзининг фарқ қиладиган хусусиятларига эга. Хор ижросининг асосий усули «legato» ҳисобланиб, шунинг учун биринчи машғулотлардан бошлаб, талабаларни эътиборини товушларни қўшилиб чалишни ўрганишга, фортепиано асарларидаги хор кантиленаларини ўзлаштиришга жалб этиш шарт.

Тўғри танланган аппликатура кантиленани ижро қилишда ёрдам беради. Баъзан шундай партитуралар ҳам учрайдики барча юқори овозлар ижросида бармоқли легато билан чалиш мутлақо эришиш қийин, кўпинча бу ҳолат овозлар кенглик билан жойлашишида содир бўлади. Аппликатурани

белгилаганда қайси бир овоз етакчи бўлса унинг боғлиқлигини максимал даражада таъминлаш керак.

Аппликатурани қулай танланиши партитурани ижро қилишликни нафақат техник томондан осонлаштиради балки товуш чиқариш характериға ҳам катта таъсир кўрсатади. Тўғри аппликатура нафақат тўлақонли легатоға эришиш балки тугалланган, боғлиқ ва кенг мусиқий жумлалар яратиш учун зарурдир.

Хор партитураларни фортепианода ижросида педализацияни тўғри қўллаш катта бадий аҳамиятга эга. Педалдан фойдаланишни ўзлаштириш ижрочининг эшитиш ҳиссиётлари билан боғлиқ. Ўнг педални тўғри қўлланиши чолғу садосига хушоҳангликни ва ифодавийликни беради, товушлар тўлиқ, аниқ ва ёрқин эшитилади. Ўнг педал заруратга қараб ва гармонияни кетма-кет келишига қараб ўзгартирилади. Чап педалдан юмшоқ ва енгил товушларнинг ҳосил қилиш мақсадида фойдаланилади. Мазкур соҳадаги нуқсонлар кўпинча талабалар томонидан эшитиш назорати йўқлиги сабабли учрайди. Н.И.Голубовская ўз «Педализация маҳорати» китобида шундай деган: «Ақлли оёқ ақлли қўлни, ақлли кулоқни талаб қилади... Педализацияга ўргатиш бўлмайди. Мусиқани тушуниш ва педал сезгирликни тарбиялаш мумкин». Педализация бир қатор ҳолатларда қўлланилади:

- овозларнинг боғлиқлик ҳаракатиға фақат бармоқ легатосида эришмаган пайтда (бирин-кетин гармониялар орасидаги тўхтаб қолишни бартараф этиш учун синкопали педал қўлланилади);
- агар бас овози узоқ жойлашган бўлса, педал ёрдамида у қисқа форшлаг шаклида ижро қилинади;
- у ёки бу аккорд такрорланганда;
- агар куйни сакраш ҳаракатида легато ижросига эришиш учун зарур бўлса;
- динамикани контраст (ff ва p) таққослаш зарур бўлган партитураларда чап педал катта ёрдам беради. Унинг қўлланилиши чолғуда юмшоқликни, енгилликни чиқариш, масалан, «акс-садо» самараси, турли регистрлардаги овозни яққол таққослаш, овозни тўсатдан йўқолиши таъсирини беради.

Педалдан ноўрин фойдаланиш товушлар йўналишини ноаниқлигига ва гармонияни нософлигига олиб келади. Шунинг учун талаба педал ишлатиш кўникмаси етарли даражада бўлмаганда, хор партитурани педалсиз ижро қилиш тавсия этилади. Дарҳол педал билан ижрога киришса, бунда ўзлаштириш жараёни секинлашади, чунки ижро камчиликларини англашлик имконияти йўқолади. Педалдан фойдалана билиш катта амалий аҳамиятга эга.

Хор асарлар ижросидаги муҳим вазиятлардан бири ўнг ва чап қўл партиялари ўртасидаги нота матни тақсимооти саналади. Болалар ва аёллар хори учун партитураларни ўқишда сопрано партияларини ўнг қўл билан, альтларни нота қаторлари миқдоридан қатъий назар чап қўл билан ижро қилиш зарур. Эркалар хори учун ёзилган партитуралардаги қўл тақсимооти ўхшаш бўлади. Тенорлар партиясида ўнг қўл, басларда чап қўл ишлатилади. Аралаш хор учун партитурада сопрано ва альтлар ўнг қўл билан, тенор ва баслар чап қўл билан ижро қилинади. Қоидадан четланишлар ҳам мумкин, овозларни кесилиши учраганда, шунингдек қачонки аралаш хорда тенорлар партияси баланд регистрда ёзилиб бас партиясидан узоқда жойлашса бу ҳолатда тенор партияси ўнг қўлга олинади.

Хор музикаси шеърий нутқ билан узвий боғлиқ. Аммо бастакор томонидан ўйланган музикаий иборалар доимо ҳам шеърий нутқ билан мос келмайди. Шу сабабли матн ва музикани урғу белгилари бир-бири билан мос келишлиги ёки келишмаганлигига эътиборли бўлиш муҳим ва музикадаги ибора, жумлалар ва даврияларни чалганда алоҳида ажратиб беришликни билиш лозим.

Хор партитурани варақдан ўқишнинг муҳим кўникмаларидан бири «олдиндан кўришни» ўзлаштиришдир, яъни партитурани фортепианода чалишдан олдин ўқиш қобилияти. Бизнинг фикримизча талабалар учун уларда гармоник таҳлил кўникмалари мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга, шунингдек партитура ўқишида муайян эркинликни беради.

Хор партитураларини ҳар доим аниқ ижро этиш мумкин эмас. Шу сабабли талабалар уларни соддалаштиришнинг айрим усуллари билан танишиши керак, масалан:

- иккиланган товушларни чиқариш ҳисобидан;
- овозлардаги ушлаб турилган товушларни сақлаш имкони бўлмаганларни тушириб қолдириш ҳисобидан;
- овозларни кенг жойлашуви (кўпинча бас партияларда) сабабли ижро қилиш имконияти бўлмаганда такрорий товушларни қисман чиқариш ва ҳ.к.

Хор партитураларини соддалаштиришда турли усулларни амалга ошириш мумкин. Улардан ҳар бири ўз афзаллик ва камчиликларига эга мазкур ҳолатда партитурани ижро қилишнинг турли усуллари синаб кўриш фойдали бўлади.

Хор партитураси устидаги ишлар маълум вақт сарфлари билан доимо боғлиқ бўлади улардан айримлари сифатдан келиб чиқади. Шунинг учун курснинг бошидан талабалардан жиддий мустақил ишни талаб қилиш керак.

Юқорида кўрсатилганлардан хулоса қилиш мумкинки, фортепианода хор партитураларини ижро қилиш, талабалар олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- фортепиано ижросида хор асарни барча компонентларни, яъни куй, ритм, гармоник ва полифоник мазмунини ўз темпида ва динамик белгиларга риоя қилиб акс эттира олиш;
- хор асарларининг бадиий мазмуни ва мавзу хусусиятини ўз ижросида акс эттира олиш,
- хор оҳангини ўзига хосликларни фортепианода ўзлаштира билиш.

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. Хор асарни фортепианода чалганда қандай вазифалар қўйилади?
2. Жўрсиз хор асарларни ижро қилганда қандай товуш йўналиш усули асосий деб ҳисобланади?

3. Хор асарларни чалганда аппликатура нима учун керак?
4. Педалдан фойдаланишни афзаллиги нимада?
5. Жўрсиз хор асаридаги бармоқлар аппликатурасини тўғри қўйиб бериш.

II-чи бўлим. Жўрсиз (a cappella) хор партитураларни фортепианода ижро этиш

2.1 Жўрсиз хор партитураларини фортепианода чалиш.

Консерватория талабалари учун хор партитураларини ўқиш курси бўйича дастурда тўрт қаторли шаклдаги а капелла асарларини ўрганиш кўзда тутилган. Бундай ёзувларни ўқишдаги муваффақиятлилиги кўп жиҳатдан бир турдаги икки қаторли хор партитураларини ўқиш усуллари қанчалик яхши ўзлаштирилганлигига боғлиқ. Тўрт қаторли асарларни ўқиганда вазифа шундан иборатки бутун партитурани бир вақтда ўқишни ўрганиш зарур, унда икки юқори чизикларда сопрано ва альт, учинчи қаторида тенор партияси скрипка калитида ёзилган (уни октава пастга транспозициялаш талаб қилинади) ва бас овози пастки қаторда жойлашган.

Тўрт овозли хор партитураларини ижро қилишнинг дастлабки кўникмаларидан бири барча тўрт овозларни тенг куч билан ижро қилишга риоя этишдир. Ушбу кўникмаларни ўзлаштириш учун хорал тузилишдаги асарларидан фойдаланилади, бу асарларда ҳамма овозлар ритмик жиҳатдан тенг бўлиб, бирлашган динамик ансамблни тузади, алоҳида ажратиб чалишни талаб қилмаган ҳолда. Талаба ҳар бир аккордни тўлиқ ва тенг ижро қилиш учун партитурани динамик белгилар ёрдамида ва турли товуш йўналишида ўрганиши керак. Фортепианода аккордларни бир текис динамик тўлганликни умумий *crescendo* ёки *diminuendo*, тўсатдан динамик ўзгаришлар (*subito f subito p*), шунингдек турли мусиқа ҳаракатларни ўзгариши (*legato, non legato* ва бошқ.).

Ўқувчилар учун кантилена, текис овоз юритиш муҳим саналади . кантилен овозга эришиш аппликатурани тўғри танлашсиз содир бўлмайди. Педализация кўникмаларини ўзлаштириш овоз характери, штрихлар ,нафас олиш, устидаги ишлар билан параллел олиб борилиши керак, чунки булар ҳаммаси ўзаро боғлиқ жараён.

Ишнинг биринчи босқичида асосий вазифа барча овозларнинг боғиқлик ижроси кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобланиб, партитурани педальсиз (бармоқли легато) ижро этиш тавсия этилади, бу ўқувчига ўз камчиликларини бартараф этиш имконини беради. Педалдан фойдаланиш фақатгина ёрдамчи техник усул сифатида тавсия қилинади (мелодик овозида сўз ўртасидаги катта сакрашларда, хор аккордларда, бас овозини бошқа хор партиялардан узоқлигида ва ҳ.к.).

Аралаш таркиби учун асарларда фортепианода ўқишда аёллар овозлари кўпинча ўнг қўлда, эркаклар хорини партиялари - чап қўлда чалинади. Бирок овозлар кенг жойлашиши туфайли, шунингдек, турли кўринишлари бўлганда, овозлар тақсимланиши бошқа бўлиши ҳам мумкин. Овозлар кенг жойлашганда боғиқлик ижрога эришиш учун партитуранинг ўрта (альт ва тенор) партиялари ҳам чап ҳам ўнг қўл билан ижро қилиниши мумкин. Агарда бас ва тенор ўртасида интерваллар октавадан ошганда, унда тенор партиясини аёллар хори билан биргаликда ўнг қўл билан ижро қилинади.

Намуна № 19 Ночевала тучка

П.Чайковский

The musical score is for four voices: Soprano, Alto, Tenor, and Bass. It is in 2/4 time, key of B-flat major (two flats), and marked 'Andante'. The lyrics are in Russian. The dynamics are marked as *p* (piano), *mf* (mezzo-forte), and *ppp* (pianissimo). The score shows a melodic line with some rests and a harmonic accompaniment.

Lyrics (Russian):
 бо - ко и ти - хонь-ко пла - четь он в пус - ты не...

Гомофон-гармоник ёзувидаги асарлар ижросида зарур кўникмалардан бири хор билан умумий ижро қилиш фонида асосий куйни яққол ажрата олишдир. Бу маълум техник кўникмаларни талаб қилади ва секинлаштирилган суръатдаги асарлар билан фойдаланиш тавсия этилади. Фортепианода мелодик линияни ифодавий кўрсата олиш устида ишни оддий тўрт овозли партитуралардан бошланади:

Намуна № 20

Сосна

М.Ипполитов-Иванов

Умеренно

SOPRANO

ALTO

TENOR

BASS

4

На се - ве - ре - ди - ком сто - ит о - ди -

но - ко на го - лой, го - лой вер - ши - не сос - на и

mf

p

mf

p

Товуш ранг-барангликларини вужудга келиш мақсадида, хор асарлардаги асосий мелодик материал аралаш хорнинг ҳар хил партияларида келтирилади. Оҳанг ўрта овозлардан бирида жойлашган бўлса хор

партитураларини ижро қилишда анча қийинчиликларга йўл қўйилади:
Намуна № 21

Венецианская ночь

М.Глинка Переложения для хора М.Балакирев

The image shows a musical score for a four-part choir. The title is 'Венецианская ночь' (Venetian Night) by M. Balakirev, based on a setting by M. Glinka. The score is written for Soprano, Alto, Tenor, and Bass voices. The key signature is one flat (B-flat) and the time signature is 6/8. The lyrics are in Russian: 'Ти - хо Брен-та ро - те - ка - ла, се - ре бри - ма - я лу - ной.' (Silent Brenta, the silver moonlight). The Soprano part starts with a treble clef and a key signature of one flat. The Alto part also starts with a treble clef and a key signature of one flat. The Tenor part starts with a treble clef and a key signature of one flat. The Bass part starts with a bass clef and a key signature of one flat. The lyrics are written below the vocal staves.

SOPRANO
Ти - хо Брен-та ро - те - ка - ла, се - ре бри - ма - я лу - ной.

ALTO

TENOR
Ти - хо Брен-та ро - те - ка - ла, се - ре бри - ма - я лу - ной.

BASS

Фортепианода мазкур парчани ижро қилишда бас партияларини чап қўлда, тенор, алт ва сопрано партияларини ўнг қўлда ижро қилиш керак. Мазкур ҳолатда тенор овоздаги асосий оҳанги осон кўрсатилиши мумкин.

Мавзу, аралаш хорни ўрталаридаги овозларидан бирида ўтганда, унда ижроси ва аппликатурани танлаш анча мураккаб бўлади :

Звонили звоны

Умеренно скоро

Обр. А.Никольского

SOPRANO

ALTO

TENOR

BASS

mf

pp

Зво-на е - ё он за слу - шад

Зво - на за - слу - шад - ся

mf

Зво-на е - ё он за - слу-шал ся кра со - ты е -

Зво - на за слу - шал - ся,

7

p

ся кра-со - ты за - смот - рел - ся

кра-со ты - за смот рел - ся

ё за смот рел ся да он за смот рел ся

кра - со - ты за смот - рел - ся

Куйнинг биринчи уч тактида тенор овозидаги оҳангини ўнг қўл билан ижро қилиш қулай, сопрано партиялари киришганда уни чап қўлга узатилади (олтинчи тактдан иккинчи баслар тушириб қолдириш мумкин). Тенордаги асосий оҳангини кўрсатиб беришлик анча қийин, чунки сопрано ва баритонлар партияларини урғулаб бериш лозим, улар қўнғироқ оҳанг жарангини имитация этишиши лозим.

Баъзан аралаш таркибли хор партитураларида асосий куй альт партияларида ҳам учрайди.

Баъзан турли партиялардаги иккита мелодик линиясининг бир вақтда келтирилган намуналари кузатилиши мумкин. Мазкур парчада мелодик

линияларни (сопрано ва бас партияларда) аниқ кўрсата олиш учун чап қўл билан фақат басларни чалиб, ўнг қўлда эса қолган тенор, альт ва сопрано партияларни бирлаштириш. Биринчи тактнинг сўнгги ҳиссасини ва тенор партиясининг иккинчи тактнинг биринчи ҳиссасини бу ҳолатда чап қўлга узатиш қулай бўлади (учинчи ва тўртинчи тактларда ҳам шундай чалинади). Кўрсатилган ижро усули умумий динамик ўсиб боришда кўтарилган секвенция тарздаги мелодик линияни кўрсата бериш имконини беради :

Намуна № 23

Лес

Слова А.Кольцова

В.Калинников

**Allegro moderato
poco più mosso**

SOPRANO

ALTO

TENOR

BASS

У те бя ль, бы-ло, позд-но ве - че-ром гроз-нос бу - ре - ю раз-го-вор пой - дёт,

У те - бя ль, бы-ло, позд-но ве че ром гроз-нос бу ре ю раз-го-вор пой - дёт,

Айрим хор асарларида асосий куй барча овозларда кетма-кет ўтади. Фортепианода бундай партитураларни ижро қилишда асосий вазифа хорнинг турли партияларида уни ўтказишдаги асосий мавзу матнини қайд қилишдир:

Уснуро все

Слова Д. Ратгауза

Ц. Кюи

Moderato (♩=92)

SOPRANO

ALTO

Tenor

Bass

у - слы-ло, у-слы-ло все

За-молк-ли пти-цы, у слы-ло все

За-молк-ли пти-цы, у - слы-ло, у-слы-ло все

у - слы-ло все

Мазкур намуна ижро қилиш қўлларнинг одатий тақсимотига амалга ошади: чап қўл эркалар хори партияларини, ўнг қўл аёллар партияларини ижро қилади.

Фортепианода гомофон-гармоник хор партитураларини ижро қилишда бас овозларни оғирлик билан қайд қилиш керак. Бу билан, ҳамма партияларни тембр оҳангдорлигида, аккордни турғун асосидай бас партиясини эшитиш зарур.

Ўзбек композиторлар а саррелла асарлар устида ишидаги муҳим жиҳат метроритм, вариацион ўзгаришлар билан боғлиқ махсусликлар, уларнинг ўзига хос хусусиятларидир. Иш жараёнида ўқувчилар қуйидаги саволлар билан тўқнаш келадилар :

1) халқ - профессионал жанрдаги анъаналарда ёзилган асарлар устидаги ишлар;

2) интонацион ўзгартиришнинг вариацион усулларида фойдаланишга асосланган асарлар устидаги ишлар (гомофон-гармоник ёзувидаги имитация элементлари учрайдиган асарлар);

3) турли метроритм формулаларни қўллашга асосланган асар устидаги ишлар;

4) яккахон ва а капелла хори учун ёзилган асарлар устидаги ишлар.

Ўзбекистон бастакорларининг кўплаб хор асарлари халқ кўшиқлиги жанри анъаналаридан фойдаланиб ёзилган. Антифон таққослаш (аёллар ва эркеклар овозлардаги) усуллари, куплет шаклдаги асарлар, мақом анъаналарига асосланган қайта ишланган ва оригинал Ўзбекистон композиторларнинг кўплаб асарларида ўз аксини топди.

Намуна №25, 26, 27

5

81

p *pp* *dolce* *rallent*

-я. Ла, ли, ла, ли, ла, хо, хо, хо,

Ла, ли, ла, ли, ла, хо, хо, хо,

хо, хо, хо,

Гал бари (Хоразм халқ кўшиғи)

Б.Умиджонов

Allegro

SOPRANO

ALTO

TENOR

BASS

1. О - ла кўз
2. Қо - ра кўзи

гал гал

1. Иш - қинг- да куй - мас ҳеч ким,
2. Де - во - на бўл - мас ҳеч ким.

NASIHAT

Sho'xiy she'ri

N.Sharafiyeva

Andante

оҳанги тесситурасида айтиш лозим. Шунингдек, партитурани ўзлаштирганда маъқул ва фойдали кўникмалардан: а) чалганда тушириб қолдирилган овозни куйлаш; б) бир овозни чалиб туриб, бошқа овозни куйлаш ва бўш қўл билан дирижёрлик қилишлик мумкин.

Мазкур кўникмалар жўрсиз хор асарларини бир вақтда фортепианода чалиб, овозларни айтишни талабалар томонидан ўзлаштириш учун зарур.

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. Эркактар овозлари икки қаторли партитурада қайси калитда ёзилади?
2. Скрипка калитида ёзилган тенор партияси қандай ўқилади?
3. Хор партитураларда овозлар қандай асосий қоида билан жойлаштирилади?
4. “divisi” сўзи нима дегани?
5. Хор партитурасидаги овозларни куйлаганда ундош товушни кўчириш қоидаси қандай?
6. Тесситура қоидаларига риоя қилиб жўрсиз асардаги овозларни тўғри куйлаб бериш.

III-чи бўлим. Жўрли хор асарларини ижро қилиш

3.1 Жўрли хор партитураларини фортепианода чалиш.

Хор адабиётларда чолғу жўрлигидаги хор учун ёзилган асарлар катта ўринни эгаллайди. Чолғу партияларни аҳамияти турлича бўлиши мумкин. Бир ҳолатларда бу оддий гармоник жўр бўлиш, бошқаларида эса асарнинг композициясида ривожланган ва муҳим қисми бўлади.

Партитура устидаги дастлабки иш кўздан кечириб чалишлик фойдалидир, бунда асар тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлинади. Аммо бундай ижрода баъзан қийинчиликлар пайдо қилади. Жўр устидаги ишлар одатда уч босқичга бўлинади: хор овозларни чалиш, аккомпанементни ижро қилиш ва партитуранинг жўрини ва жўрсиз қисмларини бирлаштириш.

Хор қисмини фортепианода ижро қилиш а капелла асарлар партитурасини чалишдан ҳеч қандай фарқланмайди. Асарнинг вокал қисми мазмунини яхши тушуниб, кейин чолғу қисмини кўриб чиқишга ўтиш керак. Фортепиано жўри одатда икки чизикда ёзилади бу қийинчиликни тўғдирмайди, аммо бошқа томондан жўр партиясини фактура мураккаблиги жиҳатидан билан боғлиқ қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Чолғу жўрини ўқишда хор овозларини назарда тутмоқ зарур ва имконият қадар партитурани вокал қисмини янграшини тасаввур қилиш керак.

Хор партияларини батафсил таҳлили ва фортепианода ижро қилишлик барча хор овозларнинг куй ҳаракатини яхши ўзлаштириш имконини беради. Асарнинг тўлиқ оҳангини эшитиш учун ҳам хор овози, ҳам аккомпанементни фортепианода бир вақтда ижро қилиш зарур. Бундай бирлаштириш санъати доимо ҳам бутун нота матнини тўлиқ ижро қилишдан иборат бўлмайди. Шунинг учун хор ва чолғу қисмларини бирлаштирганда энг муҳимларни танлаб, фортепианода асарни асосий мавзу ижросини кўрсатиб берадиган қулай усулни белгилаш лозим.

Амалиётда тўғри танланган аппликатурага қарамасдан, тўлиқ ижро қилиш имконияти бўлмаган партитуралар ҳам учрайди. Мазкур ҳолатда ўқувчилар жўрини ёки хор партиясини қийин эпизодларни ижро қилишни енгиллаштириши ва нота матнини қисқартириш ва соддалаштириш ҳисобидан ижро қилиши керак. Партитурада ёки жўрида овозлардаги октавани икки марта кўпайганлиги бор бўлса, қайтарилган овозларни тушуриб қолдирмоқ тавсия қилинади. Шунингдек бас партиясини бошқа партиялардан узоқда жойлашгани сабабли аккомпанементни аккорд товушларини октава юқорига кўчиришга тавсия қилинади. Тез темп ҳаракатлардаги партитуралар ижро қилинганда гармоник аккомпанементнинг майда узунликдаги ноталарни катта узунликдаги бир аккордга бирлаштиришга йўл қўйилади.

Мураккаб бўлмаган хор партитураларининг одатий шакли шундай бўлади-ки, унда асарнинг мавзуй материал хор партияларида ташкил

Хор ва чолғу қисмларнинг тўлиқ ёки қисман бир-бирига мос келишига қарамасдан бундай асарлар фақат фортепиано партияларига қараб

чалинмайди, чунки асар маъносини тўғри идрок қилишликни чегаралайди. Ижрочи бунда на вокал партия бўёқлари, на товуш йўналиши хусусиятларини, на бадиий матнини кўради. Шунда аккомпанементдан вокал партиясида йўқ бўлган элементларни қўшиб, фақат хор партияларини ўқиш лозим, шунингдек гармоник жиҳатдан муҳим бўлган айрим товушларни ҳам қўшиш керак.

Намуна № 29 (стр48 Бородин)

Солнцу красному слава

Хор из оперы "Князь Игорь"

А.Бородин

Умеренно скоро и величественно

SOPRANO *f* Солн - цу крас - но - му сла - ва, сла - ва

ALTO *f* Солн - цу крас - но - му сла - ва, сла - ва

TENOR *f* Солн - цу крас - но - му сла - ва, сла - ва

BASS *f* Солн - цу крас - но - му сла - ва, сла - ва

Piano *f*

Кўпинча жўрлик партиясида барча хор овозларини бошқа октавада ёзилган такрорий кўриниши учрайди.

Намуна № 30 (стр48 Даргомыжский)

Свадебный хор

из оперы "Русалка"

А.Даргомыжский

Не очень скоро

SOPRANO
ALTO

TENOR
BASS

Organ

Как во гор-ни - ще свет ли - це на чест-ном ци - ру бо яр-ском до - ме

Бундай ҳолатларда, фортепианода чалишнинг турли усуллари қўллаш мумкин, вазиятга қараб, қандай мақсад учун хор ва аккомпанементни бирлаштириш керак. Агар мақсад асар билан танишиш бўлса, бундай ҳолатда фақат бир аккомпанементини чалишлик етарли бўлади.

Кейинги мисолни кўриб чиқамиз унда жўрни юқори қатори куй жиҳатдан хор партитуранинг учта юқори овозлари билан мос келади, аммо ритмик жиҳатдан вокал партиялардан биров фарқланади:

НАМУНА 32

SOPRANO
ALTO

TENOR
BASS

Organ

О, ес - ли в ро - ще сей у - ны - ной

Бу ерда фортепианода ижро қилишда, хор ва жўрли партитура қисмлари осон бирлаштирилиши мумкин. Аммо партитуранинг барча овозларини диққат билан бирлаштиришлик асарнинг асосий куй тасвири йўқолишига олиб келади. Бунда ижрони тўғри чалиш усулида чап қўл жўрни пастки каторини чалса, ўнг қўл эса асарни хор қисмини чалади.

Хор овозлари қисман аккомпанементда такрорланадиган асарлар кўпроқ учрайди. Бундай партитураларни бирлаштиришда қўл тақсимооти турлича бўлиши мумкин, хорни баёни ва тузилишига қараб. Масалан, аёллар ва болалар хор асарларидаги куй юқори регистрда жойлашганда, одатга кўра вокал қисми ўнг қўлда ижро қилинади, чапда – партитурани чолғу қисми.

Баъзан хор ва аккомпанемент ўртасидаги бошқача нисбати кузатилади, бунда жўрликда партитурани вокал қисми такрорланмайди. Бундай асарларда биз баъзан айрим тафсилотларни қўйиб юбориш заруриятига келамиз. Шунинг учун талаба асарни бадиий мазмунини ўзгартирмай қўллар ўртасида нота материалини тақсимлаш усуллари топиши керак.

Агар бир турдаги хор учун асарларда фортепиано партияси хор овозлари билан мос келмаса, бунда овозлар партияси ўнг қўл билан ижро қилинади, чап қўл билан бўлса партитурани оҳангини тўлдириб, қуйи қаторлар ижро этилади. Бироқ, ҳар доим хор партияларни ўнг қўлда бирлаштириб, фақат чап қўлда жўрни чалиш имкони бўлмайди. Келтирилган намунада вокал мавзу материалини сақлаган ҳолда аккомпанемент ижросини амалда икки қўлда тақсимлаш тавсия этилади.

НАМУНА №32

Агар фортепиано партияси хор партитурасига қараганда анча баланд регистрда берилган бўлса бунда фортепиано партиясини ўнг қўл билан, хор овозларни эса чап қўл билан ижро қилиш мақсадга мувофиқ.

НАМУНА №33

Аралаш таркибли хор учун асарларда партитуранинг вокал ва чолғу қисмларини бундай бирлаштириш мураккаброқ. Шунинг учун жўр ва хор партияларни бирлаштириб, чап қўл билан эркаклар овозлари қисмини ижро қилиш тавсия этилади.

Асосий мавзу материали аккомпанементда янграган асарларда, ижросини хор партитурани муҳим элементлари билан бойитиш керак. Ҳамма пайтларда партитура ва жўрини турли енгиллаштириш усулларини ишлатилиши, ижрони тўлалик ва ифодавийлик томонларини хато англашликни эсдан чиқармаслик керак. Шундай тарзда хор мусикасидаги вокал ва жўр партияларни уйғунлаштиришнинг юқорида кўриб чиқилган бирикмалардан айримлари битта асар доирасида учраши мумкин. Табиийки, шу ўзгаришлар сабабли мазкур эпизодни ўқилиш усуллари ҳам ўзгариши мумкин. Кўп жўрли хор асарларни чалишда турли усулларни топиш лозим экан. Шунинг учун амалий ишдаги ҳар бир вақтда мазкур асар учун қулай роялда чалиш усулларни топиш зарур.

Агар бир вақтнинг ўзида икки фортепиано чолғуси бўлса — бу икки талабалар билан ансамбл бўлиб жўрли хор партитураларни тўлиқ равишда ижро қилишга имкон беради. Ансамблда ижро қилишлик, талабаларни эътиборини фаоллаштиради, партитурани эшитиш ва кўриш қобилиятини, ижрочиларни интизомлилигини кучайтиради, тўхталиш ва тасодифий равишда такрорлашларга йўл қўймайди. Партитураларни ансамблда ўқишни асарни ўз темпида чалишлик энг қулай шакли ҳисобланади. Аккомпанемент партиясида, партитурадан ортиқроқ, турли мусиқий-техник қийинчиликлар бор. Чалишда қийинчаликка учраганда аккомпанементни енгиллаштиришга йўл қўйилади. Қийинчиликлар учраганда ижрони осонлаштириш мумкин, ҳатто бир неча деталларни ўтказиб юбориш мумкин. Энг муҳими — тўхтамасдан ижро қилишлик ва бир бирини эшитиб, ижро кучини бир хилда бўлишлигига эътибор қилиш, етакчи партияларни ажратиш ва бошқа партияларни бир оз пасайтириб чалиш ҳисобланади.

3.2 Жўрли партитурани бир вақтда чалиб овозларни айтиш.

Хор партитураларни ўқиш фанида жўрини чалиб бир вақтда овозларни айтишга муҳим эътибор қаралади. Ушбу кўникма талаба томонидан партитурани ҳар атрофлича ўзлаштириш эришишлигига ёрдам беради. Куйлаш, вокал жумлалар тузилиш қонуниятларга бўйсунисига, асардаги *crescendo* ва *diminuendo*ларни пайқаш, тўғри нафас тақсимланиш англашликка ёрдам беради.

Ҳар бир хор партияси куй ривожини мустақиллиги, партитураларни горизонтал бўйлаб ўқиш заруриятига олиб келади. Айрим партиялар устидаги ишларда уларни ўрганишнинг турли усуллари қўлланилади, шу усуллар асар мазмунини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Бу партия билан танишиш энг оддий усули фортепиано билан биргаликда куйлаш ҳисобланади. Шундай ҳолда хор партияни интонацион ва ифодавий хусусиятларга эътибор қаралади.

Асарни ўрганишдаги қийин ва жуда фойдали турлардан бири, бу фортепиано ижросидаги партитурада, куйланган овозни туширилиши. Ҳамма овозларни шундай тарзда ўрганиб, талаба партитурани куйлаганда, бошқа иш усулига ўтиш тавсия қилинади, унда (бутун партитура ижро қилинадиган вақтда) бир хор овозидан бошқа овозга тўхтамасдан ўтиб кетилади. Партияларни куйлаш бу усулини фойдали томони шундаки, хор асарлардаги асосий мавзу материали ҳар хил хор партияларда мунтазам равишда ўтилади.

Аккомпанемент жўридаги партитураларни ўрганишда, юқорида кўрсатилган вариантлардан ташқари, фортепианода аккомпанементни бир вақтда ижро қилиб ҳар бир партияни куйлашлик зарур.

Партияларни куйлашда у ёзилган баландлик шартларига бўйсунисиз лозим, негаки вокал ижросининг динамик имконлари тесситура билан маҳкам боғланган. Баланд тесситура куйловчиларни кучланиши сабабли, товушни кучли чиқаришга мажбур этади. Ўз навбатида паст тесситура учун камроқ товуш чиқариш характерли ва табиий бўлади. Шунинг учун партитурани

ўзлаштирганда партиялар ёзилган тесситура шартларни аниқ тасаввур қилиш керак.

Вокал томондан партитураларни кўриб чиқиб ва партияларни адабий матн билан айтган ҳолда, цезуралар ўрнини белгилаш зарур, улар муסיкий жумлалардан ташқари, нафас ўзгариши ва матн талаффузи билан ҳам боғлиқ бўлади.

Яқунларни умумлаштириб шуни қайд қилиш керакки, жўрсиз ва жўрли хор асарларни талабалар томонидан ижро қилишда қуйидагиларни қилиш лозим:

- бутун хор партитурасини бир вақтда чалиб, мазкур тесситура шароитида ҳар бир хор овозларини айтиш;
- хор партитурасини чалиб, ўқувчи шу пайтда қуйлайдиган хор овозини «тушириш»;
- бир хор партиясидан бошқасига ўтиш, педагог талабига кўра қуйланган овозни бир қисмини «ичида» қуйлаш;
- хор партитураларидаги аккордларни вертикал бўйича қуйлаш;
- жўрли асарлар ижросидаги ҳар бир хор овозини айтиш;
- яккаҳон қуй партиясини чалмасдан қуйлашликни билиш;
- фақат асар жўрини чалиш пайтда, партитурани турли хор овозларни эпизодик «овоз чиқариб» қуйлаш.

Бу кўникмалар талабаларга нафақат партитурани ҳар томонлама ўзлаштиришни ва ижро қилиш тўғрисидаги тасаввурларни ҳосил қилиш, балки фортепианода асарни ўқиш усуллари топиш, хор ижросидаги специфик хусусиятларни тўғри акс эттиришга имконини беради.

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. Жўрли асарлар устида ишлашнинг қанча босқичи бор?
2. Аккомпанементни осонлаштириш қандай бўлади?
3. Жўрли хор партитураларни тўғри ижроси учун қандай кўникмалар зарур?
4. Жўрли партитураларда алоҳида вокал ва чолғу қисмларини чалиш.

IV-чи бўлим. Полифоник хор партитураларини ижро қилиш.

Дирижёр-хормейстерлар учун полифоник асарларни ўрганишлик жуда муҳим саналади, чунки хор муסיқасида бу ёзув тузилишга ғоят катта эътибор қаратилади. Фортепианода полифоник асарларни ижроси мураккаблиги билан ажралиб туради ва ўз специфик хусусиятларга эга. Овозларни мустақил ривожланиши партитурани муסיқий материални бутун қамровини жалб қилишда қийинлаштиради. Биринчи навбатда талаба берилган асар композитори ижоди билан танишиб, асарни услубий хусусиятларни аниқлаши керак. Асар тузилиши, ладотонал режаси ва полифоник шаклини батафсил ўрганиш керак. Жўрли асарларни ўзлаштирганда, олдин аккомпанемент ва хор партитурасини алоҳида таҳлил қилиш лозим. Полифоник асарларга мурожаат қилганда, талабалардан партитурани ҳар бир овозларни пухта ўрганиш талаб қилинади – овозларни турли бирикмада қўйлаш, цезураларни аниқлаш, вокал-хор хусусиятларини аниқлаш (тесситура, диапазон, товуш йўналиши ва ҳ.к.). Бу ҳолда, полифоник асарлар устида пианистлар ишлагандай, хор партитураси устида ишлаш ҳам шундай бўлади. Фортепианода хор партитура устида ишлаш усуллари хор партитурани кўриниши қандай бўлганлигига боғлиқ. Хор ёзувини ранг-баранглиги туфайли хор партитураларни ўқиш усуллари ҳам ўзгариб боради. Қўллар тақсимоти ҳам полифоник асарларда анча мураккаб бўлади. Овозларни қарама-қаршилиги вақтида турли вариантларни қўллаш мумкин. Асосий мавзу материални ажратиб беришлик учун, шу эпизодни қайси бир қўл билан чалиш қўлай бўлса, шу қўл билан ижро қилиш лозим бўлади (хор партияларидан қатъиназар).

Полифоник асарлар ижросида асосий эътиборни асосий куй йўллари аниқлашга қаратиш керак. Бу кам аҳамиятлиларни тушириб, талабага асосий

мавзу материални ажратиб беришга ёрдам беради. Жумлалаш ва нафас масалалари муҳимлигини билиб чалишликни ўргатиш лозим.

Уйғониш даврдаги асарларни полифоник ривож и усулларни (канондан имитациягача) турлилиги аккорд-гармоник тузилиши, шунингдек турли сонли партияларни ишлатилиши фортепианода ижросига маълум бир қийинчиликларни вужудга келтиради.

Хор музикасида композиторлар кўпинча бадиий ифода воситаси сифатида имитацияга мурожаат қиладилар. Бундай асарларни ижро қилинганда, хор овозларининг умумий динамик ўсиши ёки пасайишида имитацион овозларини яққол кўрсатиш мумкин. Масалан, учраб турадиган стретто имитациялар, ҳар бир кирган овозни бўртириб кўрсатишни талаб қилади:

Намуна № 34

Вновь явился светлый май

Перевод с французского К.Алемасовой

К.Жанекена

f Оживленно *mf*

SOPRANO *f* Вновь я - вил - ся май, свет-лый май свет-лый ме - сяц

ALTO *f* Вновь я - вил - ся май, о свет-лый ме - сяц

TENOR *f* Вновь я - вил - ся май, о

BASS *f* Вновь я - вил - ся ты

Ўзбекистон композиторлар хор асарларида полифоник ёзув, имитация, турли мавзули полифонияни ишлатилиши муҳим ўрин олган.

М.Бурҳонов хор ёзувида кўпинча контраст ва имитацион полифония усуллари учрайди, бунинг намуаси сифатида қорақалпоқ халқ кўшиғи «Айралық»ни келтириш мумкин:

Намуна 35

АЙРАЛЫҚ

(Қорақалпоқ халқ кұшиғи)

Бердах сұзи

М.Бурхонов қайта ишлаган

Andante con dolce

Ли - ла-ла, ли-ла, ли - ла - ла, ли-ли-ла, ла-ли ла, ли - ла - ла.

(Оғизни юмиб).

(Оғизни юмиб).

Бау - рым - ды гир - ян ет - ти

Ли - ла-ла, ли-ла, ли - ла - ла, ли-ли-ла, ла-ли ла, ли - ла - ла.

ли-ли-ла, ла-ли ла, ли - ла - ла.

за лим ай - ра лык, ай-ра - лык. кеу - лим - ды

(Оғизни юмиб).

Ли-ла-ла, ли-ла, ли-ла-ла, ай - ра - лык

Ли-ла-ла, ла-ла-ли, ла - ла, ли-ла-ла, ла-ла (Оғизни юмиб).

Қўллар ўртасида материал тақсимотида катта эътибор берилади. Асосий ва тўлдирувчи овозларнинг ритмик пулсациясини турли хиллиги, иккита қўл билан ижро қилишликни эҳтиёжи туғилади, қачонки бошқа овозлар қўшилганда, ижрочидан эпчиллик ва диққат-эътиборлик талаб қилинади.

Намуна №36

16 *mp* Ба - сы - ма ту - сип *mf cresc.* а - ла - мат, *ff* ку - ты - лал - мас - тай

p Ли - ла - ла, ли - ла, ли - ла - ла, *mp* ли - ли - ла, ла - ли ла, ли - ла - ла. *ff* ку - ты - лал - мас - тай

ff ку - ты - лал - мас - тай

ff ку - ты - лал - мас - тай

Имитационный эпизод в хоре М.Бурханова «Гўзал қизга №37

5

81 *p* -я. *pp dolce* Ла, ли, ла, ли, ла, *rallent* хо, хо, хо,

p Ла, ли, ла, ли, ла, *pp* хо, хо, хо,

pp хо, хо, хо,

p хо, хо, хо,

Е.Нечаев қайта ишлаган асарларида гомофон-гармоник услуб билан бир каторда: овозости полифония, имитация, каноник ўтказмалар каби полифоник усуллар қўлланилади. Масалан, тўртовозли аралаш хор учун мўлжалланган қайта ишланган уйғур халқ кўшиғи «Чирайлигим»да, имитацион ривожланиш, мелодик йўлларни полифоник бирлашмаси мавжуд. Улар асарни ифодавий оҳангдорлигини яратади ва ижрода ҳар бир овозлардаги мелодик йўллари бўртириб кўрсатиш ва олиб боришлик кўникмани ишлатиш керак.

Н.Шарафиевани қайта ишланган асарларида ҳам ривожланган турли полифоник фактура, овозости полифония, имитацион усулларни қўлланиллиши хор оҳангдорлигини бойитиб беради ва фортепианода ижро қилганда мавзу матни эътиборни талаб этади.

Намуна № 38 Эй, нозанин

Н.Шарафиева

33 *espressivo (ifodali)*

ey, no - za-nin,

vo - yey, jo - ni - man, yor jo - no - ni -

jo - - ni - man, jo - ni -

37

Jo - ni - man, be - par - vo - yi -

Jo - ni - man, jo - ni - man, be - par - vo - yi -

man, jo - no - - ni - man, be - par - vo - yi -

man, jo - no - - ni - man, be - par - vo - yi -

Бармоқлар аппликатурасини тўғри танланганлиги педални кам ишлатишга имкон беради. Бунда асар ижросида равонлик, куйчанликни, овозлар аниқ эшитилишини таъминлайди.

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. Полифоник асарларни чалганда нималарга диққатни жалб этиш керак?
2. Ўзбек композиторларнинг хор асарларида қандай полифоник усуллар учрайди?
3. Фортепианода полифоник хор асарларни чалишда нима қийинчиликлар бор?
4. Канонни ижро қилиш, ҳамма овозларни чалиб, ҳар бир овозни куйлаб бериш.

V-чи бўлим. Мураккаб бўлмаган жўрсиз хор партитураларини транспозиция қилиш.

Муסיкий амалиётида хор дирижёри баъзан хор асарларни бошқа тоналлигига кўчириш заруриятига дуч келади. Транспозиция (лотинчадан *transpositio* – кўчириш) атамаси – бу муסיқа асарнинг товушларини маълум интервал (октавадан бўлак) баландга ёки пастга кўчириш дегани.

Хор партитураларни ўқиш курсида транспозиция кўникмалар ривожланишга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Партитураларни транспозиция қилиш орттирилган примадан бошлаш керак, чунки шундай бошқа тоналликка кўчиришлик энг оддий ҳисобланади, шунингдек калит белгилари ва тасодифий альтерация белгиларни ҳаёлда ўзгартиришликдан иборат бўлади. Талабаларга бошқа транспозиция усулларини ҳам тушунтириш лозим, буларга – интерваллик, тоналлик, шунингдек калит алмашуви орқали кўчириш киради.

Бошқа тоналликка транспозиция хор ва солист учун асарларни ижро қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳолатларда у солист овози хусусияти ва диапазони билан белгиланади. Шу билан бирга хор асарларнинг тоналлигини ўзгартириш зарурияти анча кўп учрайди, хор дирижёри фортепианода ижро қилишда хор партитураларини ўзгартириш кўникмаларини яхши эгаллаган бўлиши керак.

Амалиётда транспозициянинг бир нечта асосий усуллари ишлаб чиқилди:

- калит белгиларни алмаштириш йўли билан транспозиция;
- транспозициянинг интервалли усули;
- транспозициянинг тоналли усули;
- транспозициянинг калит алмашуви усули.

Улардан ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Калит белгиларини алмаштириш йўли билан транспозиция.

Партитурани ярим тонга транспозиция турларидан бири бу орттирилган прима интервалига кўчириш бўлади. Бу энг оддий усуллардан бири, чунки бошқа тоналликка ўтиш калитолди белгиларни ўзгартириш билан амалга оширилади. Партитурада тасодифий альтерация белгилари бор бўлса, орттирилган примага транспозиция қилинганда улар ҳам тегишли равишда ўзгаради.

Орттирилган прима юқорига транспозиция қилиш		Орттирилган прима пастга транспозиция қилиш	
бошланғич тоналлик	Янги тоналлик	бошланғич тоналлик	Янги тоналлик
диез	дубль-диез	дубль-диез	диез
бекар	диез	диез	бекар
бемоль	бекар	бекар	бемоль
дубль- бемоль	бемоль	бемоль	дубль- бемоль

Орттирилган примага транспозициянинг (юқори ва пастга) калитолди бўлмаган тоналликлар(До мажор, ля минор)га ва ундан бирмунча қўлай иккита белгили тоналликлар(Соль мажор, ми минор, Фа мажор, ре минор, Ре мажор, си минор, Си-бемоль мажор, соль минор)га қўлай бўлади. Шу усулда иккита белгилардан ортиқ бўлган бемоль тоналликларнинг юқорига транспозиция қилиш қўлай ва пастга амалий эмас. Диез тоналликларнинг иккитадан ортиқ белги бўлганларнинг транспозиция усули – пастга қўлай, юқорига амалий эмас. Бунинг сабаби шундаки, ортитилган примага

транспозиция қилинганда тоналликлар орасидаги фарқи ҳар доим 7-та калит белги бўлади.

Кўрсатилган чекларда хроматик ярим тонга транспозиция қилиш кўникмаси хор партитураларни ўқиш курсини ўрганишдаги бошланғич босқичида ўқувчиларга тушунарли ва осон бўлади.

Транспозиция қилиш кўрсатилган тонлар сонга амалга оширилиши мумкин, масалан: $\frac{1}{2}$ тон, 1 тон, $1\frac{1}{2}$ тон ва ҳ.к.ларга.

Транспозициянинг интервалли усули

Янги тоналликка транспозиция қилишлик қайси интервалга кўчиришлик билан белгиланади. Партитурани тоналлиги ҳар бир нотани юқори ёки пастга изчил аниқ интервалга санаб чиқиш йўли билан ўзгариши лозим. Интервалли транспозиция усули асосан секундали нисбатидаги бўлган тоналликлар доираси учун чегараланади, чунки транспозиция қилганда терция ва кварта интервалларни изчил санаш анча қийинчилик келтиради.

Хор билан иш амалиётида одатга кўра кичик ва катта секунда($\frac{1}{2}$ тон ва 1тон)ларга кўчириш ишлатилади. Кичик терцияга транспозиция қилиш кам ишлатилади, катта терцияга эса камдан кам учрайдиган ҳолларда ишлатилади. Асар катта терция (2 тон)га юқори ва пастга кўчирилганда унинг ижросида сезиларли оҳангини кучи ўзгаради, баланд ёки паст регистрларни ишлатилиши туфайли овоз партияларни тембр нисбати ўзгаради.

Транспозициянинг тонал усули.

Транспозициянинг тонал усулини интервалли усулидан қўлайлиги партитурадаги ҳар бир ноталаридан интервалларни санаш зарурати йўқолади. Ундан ташқари, интервал катта-кичиглигига қарамасдан тонал доирасини кенгайтириши маълум бир мусиқий асарни кўчириш имконини беради. Ушбу усулнинг қўллашда гармонияни пухта билиш, тез таҳлил қилиш ва асардаги

гармоник кетма-кетликларни ички эшитиш қобилияти орқали жуда яхши эшитмоқ. Партитурани чалиш жараёнида ўқувчи қайси аккорд ва асарда кандай гармоник кетма-кетликлар учраганини ўзига ҳисоб бериши лозим. Гармоник функцияларни аниқлагандан кейин, уларни шу жойлашувида бошқа ҳар қайси тоналликларга кўчириш мумкин. Тонал транспозиция усули шунга асосланади ва ўз асосий белгиси туфайли тоналли аталади. Янги тоналликни тоникасини аниқлагандан кейин ва унга хаёлдан кечириш орқали тегишли калит белгилар қўйиб, ҳар қайси интервалга кўчириш мумкин, бунда интервал катта-кичиклиги муҳим аҳамият бермайди. Тонал транспозиция усулида товуш йўналишида хатога йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун партитураларнинг ўрта овозлари ҳаракатига катта эътибор қаратиш керак. Дастлабки тоналликни аккордлар аҳамиятини кўз олдида келтириб ва бошқа тоналликда уларни ўрнини аниқлаб, калит белгиларни қўйиш эсдан чиқармасдан транспозиция қилиш лозим.

Амалиётда асар транспозициясидаги интервалли ва тонал усуллар бири-бирини тўлдирадиган тарзда аралаштирилиши керак.

Транспозициянинг калит алмашуви усули

Оҳанг баландлигининг ўзгариши калит ўзгартирилиши билан, транспозициянинг калит алмашуви усулига асос бўлган. Партитурани скрипка калитидан терция тепага кўчирилишининг энг енгил транспозиция йўлидир, чунки бу пайтда скрипка калитни бас калити(икки октава юқори)га алмаштириш мумкин. Агарда, масалан, скрипка калитида ёзилган партитурани тенор калитида (октавага юқори) ўқиса, унда асар бир поғона пастга транспорт бўлади., Калит ўзгариши билан, нота чизиқлардаги калит белгилари ҳам ўзгаради ва буни унутмаслик лозим.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки ўзгартиришнинг муҳим усулидан фойдаланиш учун *До* калит тизимини яхши билиш керак. (VI-чи бўлимга қаранг)

Жўрсиз ва жўрли асарларни ўзгартириш кўникмаси бўлажак хормейстер амалий фаолияти учун жуда муҳим саналади. Транспозиция орқали ўзгартириш репетиция жараёнида партияларини тесситура шароитини енгиллаштириш учун, товуш созини анча қулай тоналликларда тўғриламоқ, кўпроқ ёрқин товуш бўёқларини топиш учун зарур.

Талаба бошидан ўзини онгли равишда транспозиция жараёнига диққат билан қарашни тарбиялаши керак. Эшитиш қобилиятини назорати катта аҳамиятга эга, аммо асарни транспозиция қилиш фақатгина ноталарни «тўғрилашга» асосланмаслиги керак. Аксинча унга кирувчи аккордларнинг функционал вазифаси ва янги тоналликда уларни ижро қилишни тушуниш керак. Хор партитуралар курсини ўтишда транспозиция қилиш асосий кўникмаларини фактура ва гармоник жиҳатдан осон бўлган асарларда ўрганиш лозим.

Саволлар:

1. Транспозиция атамаси нима дегани?
2. Транспозицияни қандай турлари бор?
3. Транспозицияни асосий қоидаси нимада?
4. Транспозиция нима учун керак?

Бўлим VI. До калитлардаги хор асарларни ўрганиш

Вақт ўтиши билан хор партитурадаги партияларни ёзуви сезиларли ўзгаришларга учраган. Натижада замонавий партитура қадимгидан бир қанча фарқ қилади. Шунинг учун, дирижёр турли даврлардаги хор адабиёти билан танишиб чиқиш имкониятга эга бўлиш учун, у албатта замонавий партитура тизимини яхши билиши билан бирга, шунингдек қадим ёзувларни ҳам билиши лозим. XVII-XVIII асрлардаги қадим хор партитураларда, черков

музыкасида ундан кейин ҳам, *До* (сопрано, меццо-сопрано, альт, тенор, баритон) калитлари ишлатилган.


Сопрано *До* калити нота йўлининг 1-чи чизигида, меццо-сопрано – 2-чи, альт – 3-чи, тенор – 4-чи, баритон – 5-чи чизикда жойлашган. Шу тарзда нота йўлида овознинг ҳамма ишлатиладиган диапазони ўрнашган эди.

Турли калитлардан фойдаланишнинг моҳияти шундан иборатки овоз ёзишда катта миқдордаги қўшиладиган чизикчалардан қутулиш ва ноталар ўқишини енгиллаштиришдир. Шу тарзда XIX-чи асргача хор музыкасини ҳаммаси ноталашган. Оркестр амалиётида ҳозирги вақтгача алт ва тенор калитлари ўз аҳамиятини сақлаб келди. Намуна № 3:.(Полтавцевдан 2-қисм)

Бу тизимни моҳияти шундан иборатки, бир хил кўринишдаги калитлар ҳар хил нота чизикларда жойлашган бўлиб, биринчи октавадаги *до* товушини турли ҳолатини шу тизимнинг нота йўлларида аниқлайди.

Қадимги калитларда хор партитураларни ўқиш устидаги амалий ишларда, биринчи навбатда энг кўп қўлланилган калитларга тўхталиш керак. Улар сирасига қуйидагилар киради: сопрано, альт, тенор ва бас.

Намуна №40



До калитлардаги партитурани ижросига киришганда, талаба олдиндан ҳар бир калитларни мусиқий товушқатори ёзувини яхши ўзлаштириш лозим.

Калитлар билан биринчи танишганда талаба ёзилган товушлар баландлигини скрипка калитидаги нота белгилари билан солиштириш йўли билан аниқлаб боради. Кейинчалик танилмаган калитни ўқишганда, уни бошқа калитлар системаси билан боғламасдан ва скрипка калитига солиштирмасдан ўзлаштириш керак.

Талаба ҳар бир калитни алоҳида ўрганиб олгандан кейин у икки-уч калитларни бир вақтда ўқишга киришиш мумкин. Ундан кейин бутунлай қадимги калитларда ёзилган партитура ўқишига ўтиши мумкин. Бу ишда *До* калитига бошқа калитлардан ўтказилган хор партияларни ёзилган машқлар катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу усулни акс тартибда *До* калитидан скрипка ёки бас калитига ҳам ёзув машқ қилишлик тавсия этилади. *До* калитларни билишлик транспозиция усулини енгиллаштиради ва кейинчалик оркестр партитуралар ўрганишда ёрдам беради.

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. Қандай *До* калитлар бор?
2. Қайси асргача хор мусиқаси *До* калитида ёзилган?
3. Тенор калити қайси нота чизигида жойлашган?
4. Жўрсиз хор асарни скрипка ва бас калитидан *До* калитига ўтказиш.

VII-чи бўлим. Асарларни таҳлил қилиш

Хор партитураларни ўрганишда мўҳим томонлардан бири бу асарни муфассал равишда, ҳар тарафлама таҳлил қилиш. Асарни адабий матн мазмунини эътибор билан ўрганиш – фортепианода ифодали ижро этиш учун

зарур бўлган шарти. Партитурани вокал-хор нуқтаи назардан қараганда, ўқувчи унинг таркиби, хор тури ва кўриниши, партитурани ёзувининг усуллари, хор партияларни вокал хусусиятларини ўрганади, интонация қийинчиликларини ва цезураларни аниқлайди. Хор партитурасини таҳлилида, талаба томонидан тесситура, хор партиялар орасида динамик ва тембр ўзаро муносабатларини ўрганиб олади ва турли хор ёзуви усуллари билан танишиб боради. Авторни қайдлар мазмуни ўқувчи тушуниб олиши керак, булар агогик ўзгаришлар, товуш йўналиши, темп ва динамикани кўрсатадиган турли штрихларга тааллуқли, уларни хор оҳангига ўхшатиб фортепиано ижросида тўғри фойдаланиш лозим.

Талабалар ҳар бир семестр охирида дастурдан бир асарга ёзма шаклида аннотация тайёрлаш лозим.

Аннотация режаси:

1. асар композитори ва матн муаллифи ҳақида қисқа ижодий характеристикаси;
2. мусиқий-назарий таҳлил: асар шакли, ладотонал режаси, товуш йўналиши (куй йўлини ривожланиш хусусияти), темп, ўлчов, метроритм (ифодавий мазмуни), фактура муҳимликлари;
3. вокал-хор таҳлили: хорнинг тури ва кўриниши, ансамбл (темп, ритмик, динамик, талаффуз) қийинчиликлари, соз ва интонация мураккабликлари, овозлар ва бутун хор диапазони, тесситура;
4. ижрочилик таҳлили: мусиқани шеърӣ матн билан боғлиқлиги, жумлалашдинамик ривожланиш, штрихлар, асар кульминацияси.

Ҳар бир семестр якуни бўйича талаба дастурдан бир асарнинг ёзма шаклдаги аннотациясини тайёрлаши керак.

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. Агогика нима дегани?
2. Хор фактура нима дегани?
3. Таҳлилни қандай кўринишлари бор?
4. Дастур асаридан аннотация қилиш.

VIII-чи бўлим. Хор партитураларини варақдан ўқиш

Талабага олдиндан нотаниш бўлган хор асарларни фортепианода ижро қилиш хор партитураларни варақидан ўқиш деб аталади. Ўқувчини чалиш имкониятига кўра, унинг малакаси, билим даражаси ва маҳоратини ҳисобга олиб, варақдан ўқиш учун асарлар танланади. Уларнинг характери, услуби, ёзув шакли турли бўлиши керак. Буларга жўрсиз ва жўрли хор асарлари: хор миниатюралар ва қийин бўлмаган жўрли хор асарлар киради.

Таниш бўлмаган партитурани варақдан ўқишга киришиганда уни ижро қилгунга қадар диққат билан танишиб чиқиш керак. Бунда хор таркиби, асосий тоналлик, ўлчам, суръат, ритмик тасвир хусусияти, хор фактурани аниқлаш зарур.

Варақдан ўқиганда клавиатурага имкон қадар кам қараш лозим. Варақдан ўқишнинг энг зарур кўникмаларидан бири «олдиндан кўрмоқ» малакасидир, яъни партитурани фактик ижроси бир оз олдиндан кўриш қобилияти. Варақдан ўқиб, ижронинг ритмик томонига катта эътибор берилади. Партитурани дастлабки таҳлили ва варақдан ўқишнинг асосий принципи – «олдиндан кўрмоқ»ни билиш кўникмаси талабага асар мавзусини муҳим материални топишга ёрдам беради, аҳамиятсиз бўлган жойларни тушириб қолдиради. Айнан хор партитураларни варақдан ўқишда фортепиано партия фактурасини осонлаштириш, овозлар сонини қисқартириш ва аккорд тартибида уларни ўзгартириш тўғри келади.

Нота варақидан ўқиш малакасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш керак. Варақдан ўқиш кўникмаларни эгаллаш учун тизимли равишда кўп машқлар қилиш лозим. Шунингдек, кўникмаларни унумли эгаллашлик учун танланган репертуар муҳим аҳамиятга эга. У услуб, шакл жиҳатдан ранг-баранг бўлиши керак. Варақдан ўқиш учун танланган партитураларни, талабани чалиш малакаси, билими ва имкониятларига қараб беришлик назарда тутилади. Варақдан ўқишни ҳар бир машғулотда ўтказиш, шунингдек, назорат дарсларда ҳам берилиши лозим.

Саволлар ва амалий топшириқ:

1. “Варакдан ўқиш” ибора нимани билдириди?
2. Нотаниш партитурани варакдан ўқиганда нимага эътибор бериш лозим?
3. “Олдиндан кўрмоқ” малака нима дегани?
4. Нотаниш асарни танлаб, кўздан кечириб, темпда чалиш, ритм ва нюансларга эътиборли бўлиш.

Талабаларни мустақил иши бўйича тавсиялар

Хор партитураларни ўқиш фанини яхши ўзлаштириш бўйича энг муҳим талаблардан бири аудитория ва мустақил равишдагимашғулотларни жиддий тизимлиги ҳисобланади. Ўқитувчи талабаларга мустақил ишларини олиб бориш методикаси, шакли ва мазмунини тушунтиради. Талабаларни мустақил иши мазкур курсни ҳамма фаолият турларини ўз ичига қамраб олади, буларга: дарсларда хор партитураларни чалиш услубларини мустаҳкамлаш, хор партияларни куйлаш, шеърый матн устида ишлаш, партитура таҳлили ва аннотация ёзиш киради. Ундан ташқари, талабалар мустақил равишда турли ўқув қўлланмаларни (масалан, хоршунослик ва дирижёрлик техникаси бўйича китобларни) топиб, уларни ўзлаштириб, таҳлил қилиши, турли интерпретациядаги хор асарлар ёзилган дискларни эшитиши керак.

Глоссарий

Агогика (юнон. *agoge* —чекин, четлаштириш) — мусиқий ижро ифода воситаларидан бири, текис суръат ва аниқ ритм яхлитлигини сақлаган ҳолда улардан қисқа муддатли чекинишлар. А. ўзининг муайян қонуниятларига эга. Масалан, кульминация сари инитилишда айрим мусиқий тузилмаларда суръат тезлашиши ёки якунловчи каданслардаги секинлашишлар. Сўзларнинг урғули бўғинлари талқинида маъно жиҳатидан аҳамиятли товушлар базан «чўзишлар» эвазига алоҳида таъкидланади. Айрим ҳолларда

А. махсус кўрсатмалар б–н жорий этилади (*a piacere* – эркин, *ad libitum* – хоҳишга кўра, *tempo rubato* – эркин ритмик суръатда, *capriccioso* – нозли, терс ва ш.к.). Гоҳо ритм ўлчамлари ва суръатдаги барча чекинишлар (ферматолар, *stretto* – сиқиб, *accelerando* – тезлатиб, *allargando* – кенгайтириб ва ш.к.) берилиши мумкин. А. мусикий шаклнинг барча таркибий қисмлари (тузилиш, динамика, мелодика, гармония ва б.) узвий боғлиқ бўлиб, муайян асарнинг жанри, композиторнинг ҳамда ижрочининг ўзига хос услубига асосланади. Бундай агогик чекинишлар, айниқса, романтик композиторларнинг асарларида кўп учрайди. 1884 йили атоқли мусикашунос Хуго Риман томонидан «агогика» атамаси илк бор қўлланила бошланган.

Аппликатура (лот. *applico* – аста қўяман, босаман) – 1) Мусикий созлар ижросида бармоқлар жойлашуви ва уларнинг алмашиш тартиби. Асар жумлаларини аниқ, кўрсата олиш, суръат ва динамикадаги нюансларни равион ифодалаш А. нинг қулайлигига боғлиқ. Хор партитураларини фортепианода чалганда ижронинг ўта равионлигини таъминловчи майин товушлар бошқарувига эга бўлиш муҳим ва бунга тўғри танланган А. туфайли эришилади. 2) Машҳур дирижёр Г.Н.Рожественский томонидан киритилган атама - дирижёрлик А.си, суръат ва пульсга болиқ ҳолда дирижёр томонидан танланган ўлчам, дирижёрлик сеткасини белгилайди.

Калит нота ёзувидаги беш чизигнинг бирида дастлабки товуш номи ва баландлигини ўрнатувчи белги. Шунингдек, К. бошқа чизиклар ва улар орасидаги товушлар жойлашувини белгилайди. Асосий турлари – «До», «Соль», «Фа» К.лари бўлиб, улар биринчи октавадаги «до», «соль» ва кичик октавадаги «фа» товушларининг нота ёзувидаги жойларини кўрсатади. Товушқаторнинг турли бўлимларини қамраб олувчи хонанда овози ёки чол\улар диапазони шар-хил К.лар қўлланишини тақозо этган. XIV-XVI аа.да кўповозли вокал мусикасининг юксалган даврида нота ёзувида «До» калити ҳукмронлик қилади (нота чизигида доимо калит ўртасини кесиб ўтувчи

биринчи октава «до» товуши ўрнида жойлаштирилган). Бу К.лар, «До» товушини бир чизикдан бошқа чизикларга кўчиртириб, турли хил овозлар диапозонини нота йўли (ўша давр нота ёзув талабларига мувофиқ) чегарасидан чиқмаган ҳолда, уларга нисбатан қулай бўлган регистрларда қўллаш ва мутаносиблаш имконини берган. «До» К.лари нота йўлидаги жойлашувига қараб фарқланади (сопрано – 1-чи чизикда, меццо-сопрано – 2-чи, альт – 3-чи, тенор – 4-чи ва баритон – 5-чи чизикда). XVII а. бошларига келиб, ҳозиргача жорий бўлган К.лар тизими катта аҳамият касб этди. У иккита нота сатрини бир нота йўлига бирлаштиради ва бутун товушқаторни (скрипка «Соль» К.и - 2-чи чизикда ва бас «Фа»К.и – 4-чи чизикда) акколада ёрдамида қамраш имконини беради. Акколада – икки ёки бир нечта нота йўлидаги ижрони кўрсатувчи вертикал ва фигурали қавс, у хор, ансамбль, оркестр, овоз ва чолғу учун яратилган асар ёзувини партитурага жамлайди. Хор партитурасида сопрано, альт, тенорлар ёзуви скрипка К.да бўлсада, бунда тенор бир октава пастда ўқилади, бас эса (баъзан тенорлар ҳам) бас К.да бўлади.

Кантилена

Нюанс (франц. nuance – тус) – садо туси, унинг динамик (*f, p, ff, pp, mf, mp* ва ш.к.) ҳамда муайян туси хусусиятининг белгилари мавжуд. Булар итальянча таъкидланиб, мас., *dolce* – майин, *expressivo* – ифодали ва ш.к. турларини қўллаш мусикий шакл, аниқ ва равшан ифода, асар услуби ва ижрочининг ўзига хослигига боғлиқ. Хор ижрочилигида энг қийин Н. *fortissimo* бўлиб, у баъзан заҳира (фальцет) овоз б–н ижро этилади, чунки бунда товушнинг зўриқиш ҳавфи бор, шунингдек товуш эшитиш қобилияти ва тузилишининг айрим заифлашиши натижасида умумий ансамбль Н.ни яратиш бирмунча қийин. Мас., *pianissimo* – аниқ эшитиладиган бўлиши шарт. Ҳаракатчан Н.да одатда уларнинг тадрижийлигига риоя қилиш ва умумий ансамбль садосини сақлаш зарур.

ПАРТИТУРА (итал. *partitura*, лот. *partio* – бўламан, та=симлайман) – хор, ансамбль ёки оркестрга мўлжалланган муси=а асарининг тўлиқ нота ёзуви. Унда алоҳида овозлар, барча чолғу асбоблар партиялари бир бутун бирлаштирилади. П.-да партиялар маълум тартибда ҳар бири алоҳида нота йўлларида ёзилади. Одатда хор П.сида юқорида баланд овозлар, тартибида ёзилади - сопрано, альт, тенор, бас. Оркестр П.да партиялар турдош созлар гуруҳи бўйича жойлаштирилади.

Тесситура (итал. *tessitura* – тўқима) – ҳарқандай чолғу ёки хонанда овозининг диапазониغا нисбатан куй товушларни баландлик ҳолати. Т. паст, ўрта ва баланд бўлади, шунга қараб, Т.кулай ва нокулай дейилади. Куйлаш учун энг қулайи – ўрта Т., ундан фойдалана билиш ижродаги ифода воситаларидан бири.

Транспозиция (лот. *transposition* – кўчириш) – мусиқа асарини маълум интервал (октавадан бўлак) баландга ёки пастга кўчириш. Бунда асарнинг тоналлиги ўзгаради. Т.ни асосий қондаси – асар ўзгармаган ҳолда кўчирилади, унинг куйи, усули, гармонияси, овозлар сони, уларнинг жойлашуви ва ҳ.к.сақланади. Т.ни усуллари: тоналлик, интерваллик ва калит алмашуви орқали. Т. кўпроқ мураккаб тесситурали хор асарларини ўрганилганда қўлланади. Концертда хонандалар муаллиф тоналлигини аниқ сақлаб тутиб туришлари учун машғулотларда бошқа тоналликларда ҳам куйлашда фойдаланилади, бу ҳолатда улар томонидан асарни асл тоналлиги анча тиниқ ва тўғри ўзлаштирилади. Т. амалий малакасига эга бўлиш учун хор партитураларини ўқиш ўқув машғулотлари орқали амалга оширилади.

Фактура (лот.*factura* – ишлов бериш) – мусиқий баён воситалари мажмуи, асарнинг мусиқий тўқимаси (куй, аккорд, фигурация, алоҳида овозлар ва ҳ.к.). Баъзан Ф. атамаси ўрнига тузилма, тузилиш, ёзиш (тўқима), услуб иборалари ҳам ишлатилади. Мусиқий тузилмалар деб аталувчи Ф.нинг асосий турлари: монодик (бир овозлик), полимонодик (жўр овозлик),

полифоник, гармоник (аккордли), гомофон-гармоник, аралаш турлари бўлади. Асарнинг Ф.си унинг мазмуни, жанри, услуби б–н белгиланади. Хор асари Ф.си, хор партияларининг ўзига хослиги, уларнинг қўшилиш имкониятлари, овозларни йўналтириш, шунингдек, хор жарангдорлиги манбаилари (ансамблилик, соз ва дикция) сифати, умумий ижро воситалари (агогика, динамика, артикуляция) б-н боғлиқ бўлган умумий вокал – хор услуби б–н аниқланади. Хор Ф.сини ўрганишда хор баёни (хор ёзуви), унинг умумий тури (хор услуби) ҳисобга олинади.

Хор партитураларни ўқиш – 1) Партитурани фортепианода ижро этиш, хор овозларини куйлаш, транспозициялаш. Уларни ижроси махсус билим ва малака-нота ёзувини бир ватнинг ўзида, ҳам вертикал ҳам горизонтал йуналишида англаб олиш қобилиятини тақозо этади. Х.п.ў.да асардаги суръат, ритм, вокал куйлов хусусиятлари, фразировка, овоз йўналиши динамика туслари ва агогика эътиборга олинади. Нафас б-н боғлиқ бўлган хор садоланиши хусусиятларини бера олиш, цезурани белгилаш, тесситура шартларига мувофиқ овозларни ажратиш лозим. Шу б-н бирга, товушнинг вокал равонлигини кантилена тарзида бажариб, бармоқлар орқали куйлаш учун энг типик *legato* ёрдамида амалга оширилади. Кантиленали садога ф-но педалини камроқ ишлатиб, тўғри аппликатурани танлаш б-н эришиш зарур. Зеро, айнан педал товуш куйчанлигини оширади, садо тусларини бойитади, товуш йўналиши равонлигини таъминловчи айрим товушларни боғлайди. Х.п.ў. ижросида майин «хор» садоланишига яқинлашувчи ва камайтирувчи, унга майинлик ва вокаллик бахш этадиган чап педални нозик ва сиқ куйлаш малакасига эга булиш керак. Иккала педалдан фойдалана олиш қобилияти амалий аҳамиятга эга. Х.п.ў. ижросини ички эшитиш қобилияти устида ишлаш б-н бирга олиб бориш лозим, чунки хор овозларини «ички» куйлаш малакаси муҳим усуллардан. Х.п.ў.да кўзланадиган малакалар: хор овозларини куйлаш, партитурани ижроси б-н бир вақтда хор партиялари бирини куйлаш, шунингдек, куйланаётган

партияни чиқариб олиш, хор партитурани транспозиция амалий малакасига эга бўлиш, «До» калитдаги асарларни ўрганиш, нота «варақ»дан, яъни нотаниш хор асарни ижро этиш каби. 2) Хор дирижёрлар талабаларни махсус амалий ўқув фани. Дирижёр-симфонистлар, композиторлар, мусикашуносларда - партитура ўқиш бўлгани каби Х.п.ў. бўлажак профессионал хор дирижёрларини тайёрлашнинг таркибий қисмидир.

Штрих (нем. *strich* – йўналиш, чизиқ) – торли асбобларда товуш чиқариш ва б. Хор ижрочилиги ва дирижёрликда ҳам қўлланилади. Товушни бошқаришнинг асосий усуллари – *legato* – равон, *staccato* – қисқа–қисқа, *non legato* – равон бўлмаган, *marcato* – алоҳида ажратиб таъкидлаш.